Маълумдирки, хар миллатнинг тараккийси илм ила бўлуб, илми бор миллатнинг истикболи мунаввар ва ўзи осойишда хам ажнабийлар кошида махобатлик ва хурматлик кўринур. Сохиби илм ва мутараккий миллатларнинг аломатлариндан баъзиси шулки, ибтидоий мактаблари мунтазам бўлуб, ўрта ва олий хар турли мадрасалари бўладур. Бу мадрасаларда ўкуб чикгон болалари фаол одам бўлуб, хол ва даражаларига муносиб иш - хунар - тижорат ва рухоний ўрунларга киришуб кетарлар. Шу йўл ила мутамаддун миллатлар ўз ишларини ўзлари бошкаруб, хеч важ-дан ўзгаларга мухтож бўлмай рохат, рохатда яшайдурлар. Ўз мадрасаларига диний, дунёвий илм ва фанларни лозиминча ўргануб чикарлар. Онинг учун на динларини кўлдан берурлар ва на дунёвий ишларини.

Демакки, бир кавмнинг хаёт ва саодати илм иладур. Сувсиз балик тирик колмагани каби илмсиз, иттифоксиз миллатларнинг яшай олмаслиги табиийдур. Мен бу махалда илм ва фан каторинда сарват, яъни бойликни ёзмадим, холбуки, тирикчилик шартларининг бириси окча ва мол эди. Чунки мол ва мулк илмнинг нихоятсиз самараларидан бир жузъидур. Илми бор одам озгина харакат ва гайрат килса, албатта, бой бўлур. Юкорида илмлик миллатлар яшайдур демиш эдим. Мунинг аксинча, нодон миллатлар мутлак яшамас, тадрижий йўк бўлур. Алалхусус бу замонда, илми замонийсиз миллатнинг яшамайинча, тезлик ила мункариз бўлиши мукаррардур.

Бурунги замонда темир йўл, парохуд, телегроф, айруплон ва шунга ўхшаш маданият асбоблари йўклигидан дунёдаги хукуматлар бир-биридан узок туруб, яки дигарининг кувваи аскария ва молиясини тамом билмас эди. Шунинг учун хукуматларнинг бир-бири устига боруб хужум килиши нихоятда мушкул эди. Шул важдан аввалги замондаги хукуматларнинг ахволи ахёнан табаддулот ва тагйиротга учрар эди. Аммо бу замон бўлса, бутун бош-кадур.

Илм ва фаннинг тараккийси ва ёрдами ила ер юзиндаги мухталиф миллатларнинг хар навъ ахволи мутамаддун ёвруполиларнинг кўзи олдиндадур. Бу дунё хаёт муборизаси майдони бўлгонидан, бир кучлик нимарса кучсизини эзар, ютар. Бу конуни табиат хар бир жонсиз ва жонлик нарсалар хакида умумий ва жорий бўлуб келмакдадур. Масалан, гарбдаги Америко хукумати шаркдаги Ёпуниёни билфарз кучсиз топса, денгиз ичидан келуб, бир ой зарифида тамом Ёпуниёни истило ва тасхир этмоки мумкиндир. Анинг учундирки, замонамиздаги хукуматлар бошига тез-тез янги ходисалар вокеъ бўлуб, ушбу замон силохи ила куролланмаган хукуматлар ўз мамлакат ва истиклол-ларидин махрум бўлмокдадурлар.

Мисол учун хозирги замонамизда кам илм ва бепарволигидан жаннат каби шахарларидан айрилуб, юз мингларча аскарлар ва бегунох хотун, бола-чакаларининг талафига сабаб бўлган Туркия хукумати ила нодонлик ва ўз ичидаги фитна ва игтишош сабабли бир-икки хамсоясининг тузогига илиниб, мухтазорлик холатига келган Фас хукуматини кўрсатурмизки, булар хар бир кўзи очик жаридахонларга маълумдир, Хоказо Эрон.

Эмди келайлук максудимизга. Бизларнинг замонага мувофик, яъни замонча эхгиёжимизга ярайтургон мактаб - мадраса - дорулсаноъа - ...ларимиз ила замоний илм ва фанларни билатургон уламо - агниё - тужжорларимиз ва хунармандларимиз йўк. Токи, бизлар хам ўзгалар кошида ушбу (муборизаи хаёт) майдонида эзилмай, илмимиз ила динимизни, молимиз ила хаётимизни мухофаза килиб яшасак. Шундай килмаганимиз холда, бора-бора охир холимиз табох-болаларимизнинг иши ох ва вох бўлуб хам дин ва хам дунёмизни кўлдин беруб мункариз бўлурмиз. Ушбу вактдан бошлаб истикбол гамини еб, таъмини истикболимиз йўлида харакат килмок хар биримизнинг вазифаи лозималаримиздур.

«Ойна» журнали, 1913 йил, 2-сон